

ЎУК 332.368

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАР ЭКОЛОГИК ҲОДАТИНИ  
ЯХШИЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЖАҲОН ТАЖРИБАЛАРИ

Алтиев Абдурашид Султонович,

ТИҚХММИ профессори, и.ф.д.,

Очилов Илҳом Сайиткулович, ТошДАУ доценти, и.ф.н.,

Султонов Худойшукур Ғайратович, ТошДАУ магистр талабаси.

*Аннотация:* Ушбу мақолада суғориладиган ерларнинг экологик ҳолати ва уларнинг иқтисодий муҳитини жаҳон тажрибаси асосида яхшилаш ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, республикамизда суғориладиган ерларнинг экологик ҳолатини яхшилаш орқали иқтисодий самарадорликка еришиш йўллари кўрсатиб берилган.

*Аннотация:* В данной статье представлена информация об экологическом состоянии орошаемых земель и улучшении их экономического климата на основе мирового опыта. Также были показаны пути достижения экономической эффективности за счет улучшения экологического состояния орошаемых земель в республике.

*Annotation:* This article provides information on the ecological status of irrigated lands and improvement of their economic climate on the basis of world experience. Also, ways of achieving economic efficiency by improving the ecological condition of irrigated lands in the Republic have been shown.

*Калитсўзлар:* иқтисодий самарадорлик, иқтисодий механизм, суғориладиган ерлар, такомиллаштириш, экологик ҳолат, модернизация, фермер хўжалиги.

*Ключевые слова:* экономическая эффективность, экономическая механизм, орошаемые земли, улучшение, экологическая ситуация, модернизация, сельское хозяйство.

*Keywords:* economic efficiency, economic mechanism, irrigated land, improvement, environmental situation, modernization, agriculture.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг муҳим соҳаси бўлиб, унда инсоният ҳаёти учун энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва аҳоли учун истеъмол буюмлари тайёрловчи саноат тармоқларига хомашё ишлаб чиқарилади. Бугунги кунга келиб жаҳон ер фонди бугунги кунда 13,4 млрд.гектарни ташкил қилади, унинг атиги 1,5 млрд. гектари, яъни 11% қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун иқтисодий жиҳатдан қулай ҳисобланади. Уларнинг миқдори ва сифати табиий ва антропоген омиллар ва жараёнлар таъсирида йилдан-йилга камаймоқда. Демак, глобал озиқ-овқат муаммосини ечиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун чекланган ер

ресурсларининг самарадорлигини ошириш келажакда экстенсив эмас, балки интенсив омилларни қўллаш, шунингдек ер мулкдорлари ва ижарачиларининг қишлоқ хўжалиги ерларидан интенсив фойдаланишга инвестиция киритиш, ерлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш, умуман ерларнинг ресурс сифатидаги функцияларини янада кучайтириш имкониятларини яратадиган тизим шакллантириш ва уни доимо тартибга солиб бориш механизмлари билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланмаслик, уларни тармоқ ичида ва тармоқлараро тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг самарасизлиги, ерларни ноқишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун иқтисодий ва технологик асосланмасдан ўтказилиши ва, энг ачинарлиси, суғориладиган ерлар унумдорлигининг пасайиб экологик ҳолати ачинарли аҳволга келиб қолаётганлиги кузатилмоқда.

Ўзбекистонда қабул қилинган ер муносабатларини тартибга солишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари ва меъёрий актларнинг асосий жиҳатларидан бири бу – суғориладиган ерларнинг самарадорлигини ошириш, суғориладиган ерлар экологик ҳолати ва ерларни қайта тиклашнинг иқтисодий механизмини жорий этилиши бу соҳада иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштириш каби устувор йўналишларнинг ишлаб чиқилишидир. Бироқ, тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, ҳозирги кунда суғориладиган ерлардан фойдаланишни ислоҳ этишнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб ҳисобланувчи – аграр соҳа тармоқларида, айниқса қишлоқ хўжалигида, экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришиб бўлмапти. Шу боисдан ҳам, суғориладиган ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солишнинг истиқболли механизмларини яратиш, унинг таркибий элементларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва бошқа ердан фойдаланувчи субъектлар манфаатларига мос такомиллаштириш ва татбиқ этиш зарурати ушбу мақола мавзусининг долзарблигини асослайди.

Бугунги кунда дунёда суғориладиган ердан фойдаланиш ва экологик ҳолатини яхшилашнинг иқтисодий механизмини яратиш ҳамда мавжуд

механизми такомиллаштириш билан боғлиқ кўплаб йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Масалан, суғориладиган ерлар чўлланишининг кескинлашиши масалалари, ерлар иқтисодий унумдорлиги пасайишининг олдини олиш ва бунда инвестицияларнинг тақчиллиги, ерлар деградациясини бошқаришда табиий омиллар билан бирга иқтисодий омилларнинг таъсирини кучайтириш, қишлоқ хўжалиги ерларининг оборотдан чиқиб кетишининг олдини олиш шулар жумласидандир. Жаҳон амалиётида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни белгилашнинг муҳим омили ва воситаси, суғориладиган ерлардан фойдаланиш тизими такомиллаштириш, жамиятнинг моддий неъматларга бўлган эҳтиёжининг доимо ўсиб бориши ва тупроқ унумдорлигини такрор ишлаб чиқариш объектив зарурлиги каби қонунларга асосланмаётганлигини айтиш мумкин.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда кичик ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини товар ва нотовар ишлаб чиқаришни амалга оширувчилар аҳолининг 25%га яқинини ташкил этади, холос. Фермер хўжаликлари фаолият юритган ва уларга бириктирилган қишлоқ хўжалиги экинлари майдони жами экин майдонларининг 84,4%ини, ушбу ерлардан фойдаланувчи оилалар жами оилаларнинг 4%ига яқинини ёки жами аҳолининг 6,2%ини (1710,2 минг фермер хўжалиги аъзолари сони) ташкил этмоқда.

«Ер кодекси»нинг 82-моддасига кўра алоҳида ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг тупроқ унумдорлиги сақланиши ва тикланишидан, ерларни ишлаб чиқариш фаолиятининг салбий оқибатларидан ҳимоя этилишидан манфаатдорлигини оширишга қаратилган бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади:

янги ўзлаштирилаётган ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш жараёнида турган мавжуд суғориладиган ерларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер солиғи буйича имтиёзлар бериш;

ерларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш буйича фаолиятни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларга кам чикит ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этишда ва солиққа, кредитга оид бошқа имтиёзлар бериш;

ерларнинг сифатини яхшилашни, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этишни, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган ерларнинг унумдорлигини оширишни, экологик соф маҳсулот етиштиришни рағбатлантириш;

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг айби бўлмаган ҳолда бузилган ерларни қайта тиклаш учун зарур бўлган тақдирда, республика бюджетидан ёки маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратиш, агротехника, ўрмон мелиорацияси тадбирлари ва тупроқни ҳимоя қилиш юзасидан бошқа тадбирлар ўтказиш;

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг айби бўлмаган ҳолда бузилган ер участкаларини вақтинча консервация қилиш натижасида улардан келадиган даромаднинг камайишини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман қоплаш; ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тадбирлар. Ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.


Деҳқон хўжаликлари, томорқа, боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик уюшмалари, илмий-тадқиқот институтлари, ўқув юртлари, муассасалар ерлари жами қишлоқ хўжалиги ерларининг 12,5% ташкил этиб, 12% аҳолини асосий ва қўшимча даромад билан таъминлайди. Шунингдек, ҳар бир ҳудуднинг ер ресурслари салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда томорқа ерларига эга бўлмаган ёки ҳажми кам бўлган ерлари учун, шахсий томорқа учун қўшимча суғориладиган ер майдонларини ажратилиб берилиши амалиётда жорий этилган.

Ушбу амалий тадбирлар маълум даражада ер ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини барча аҳоли тоифалари учун кенгайтиришда муҳим

омил бўлиб хизмат қилсада, асосий қишлоқ хўжалиги ерларидан фермер хўжалиқларининг эркин фойдаланишлари устуворлиги сақланиб келмоқда. Лекин амалиётда барча ер ресурсларидан фойдаланувчиларни тўлиқ таъминлаш ҳар қандай жамиятда ҳам ҳал қилиб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам асосий масала қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини амалга оширишни хоҳламайдиган ёки самарасиз фаолият юритадиганлардан ишлашни хоҳловчи ва самарали ишлаб чиқаришни ташкил этувчиларга қайта тақсимлашнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва уни мунтазам равишда такомиллаштириб боришдан иборат бўлмоғи лозим. Бизнингча, ушбу механизмнинг асосий шарти ва талаби бозор механизмига мос келиши керак.

Маълумки, Ўзбекистон ер фондининг 9% га яқинини экин майдонлари, суғориладиган ерлар эса 7,5% ни ташкил этади. Бугунги кунда ҳар бир гектар суғориладиган ерга ўртача 7,1 киши тўғри келиб, ушбу кўрсаткич халқаро меъёрларга нисбатан анча юқоридир. Шу билан бир қаторда хорижий экспертлар фикрича, Ўзбекистонда аграр ислохотлар ҳали тўлиқ тугалланмаган ёки ниҳоясига етмаган ва бунинг асосий сабаби ерга хусусий мулкчиликнинг жорий этилмаганлигидадир. Ваҳоланки, халқаро амалиётда самарали қишлоқ хўжалиги юриштишнинг универсал шакли яратилмаган. Бу эса Ўзбекистонда аҳоли ўсиш суръатларининг суғориладиган ерлар майдонларига нисбатан тез ўсиши натижаси бўлиб, республикада охириги 15 йилда суғориладиган ерлар аҳоли жон бошига 24 фоизга камайган, яъни аввал бир кишига 0,23 га ер тўғри келган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 0,16 гани ташкил этади.

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бир кишига тўғри келадиган суғориладиган ер майдони, (2018 йил 1 январь ҳолатига) гектар**



Ўзбекистонда ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини шакллантиришда, албатта, хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) суғориладиган ер майдонлари барқарор озиқ-овқат хавфсизлигига эришишда муҳим рол ўйнайди деб белгилаб берди. Бутун дунёда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жаҳон озиқ-овқат экинларининг 40% ирригация тизимлари орқали, яна 60% еса ёмғирлатиб суғориш орқали ишлаб чиқарилади. Бироқ, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг энг юқори маржинал ҳосилдорлиги ёмғирлатиб суғоришга нисбатан, суғориладиган ерлардан олинадиган ҳосиллар ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари сезиларли даражада ривожланди, суғориш учун жиҳозланган жаҳон экин майдонлари кескин ошди, 2000 йилдаги 21,2 фоиздан 2010 йилда 23,2 фоизгача оширилган.

Суғориладиган ерлардан самарали фойдалиниш шубҳасиз, жоҳон озиқ-овқат хавфсизлигига сезиларли ҳисса қўшади. Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар ташкилоти тараққиёти Дастури (БМТТД) ҳисоб-китобларига кўра, экологик ҳолати яхшиланган суғориладиган ерларнинг қўшимча 110 млн гектарга кенгайтириши мумкин бўлган ривожланаётган мамлакатлар

1,500-2,000 млн киши учун етарли дон ишлаб чиқариш суғориладиган ерлардан олинадиган хосил ҳисобига тўғри келиши кутилмоқда. Маълумки, суғориш тизимларининг икки тури мавжуд, яъни кенг кўламли ва кичик-кичик кўламли суғориш тизимлари. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги кичик-кичик ирригация тизимлари билан шуғулланадилар, чунки улар кўпроқ кенг кўламли тизимларга қараганда қулайроқ. Шунингдек, маҳсулот сотишдан тушган тушум фақат уни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни қоплабгина қолмай, қўшимча фойда ҳам берса, маълум бир қишлоқ хўжалиги техникаси иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

XIX аср бошларида дунё бўйича тахминан 8 млн. га ер суғориладиган бўлса, XX аср бошларида 40 млн. га, аср ўрталарига келиб еса 100 млн. га ерда суғориб деҳқончилик қилинди. Ўтган аср охирларида унинг кўлами 220 млн. гектардан ортиб кетди, яъни бу умумий ҳайдалма ерлар майдонининг 16 фоизини ташкил қилди. Суғориладиган деҳқончиликнинг ривожланиши техника тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлди. Европада 1985-йилга келиб суғориладиган ерлар (собик Иттифоқдан ташқари) 16,1 млн. гектарни, Осиёда - 138,3, Африкада - 10,6, Шимолий Америкада - 25,4, Жанубий Америкада - 8,1, Австралия ва Океанияда - 1,9 ҳамда собик Иттифоқда 19,95 млн. гектарни ташкил этди.

Дунё бўйлаб суғориладиган ерларнинг улуши кенг тарқалган бўлиб, Африкадаги тақирланган умумий майдоннинг 4 фоизидан **Жанубий Осиёда** 42 фоизгача. Етакчи мамлакатлар **Ҳиндистон** ва **Хитойда** улар тахминан 30 фоиздан 52 фоизгача суғорилади. Қишлоқ хўжалик ерлари дунё ер майдонининг учдан бир қисмидан кўпроғини қамраб олади. Кўпгина саноати ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалик ерлари раёнлаштириш қоидаларига бўйсунди.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай давлат ривожланиши ва ўсишининг бош манбаси бўлиб ер ресурслари ҳисобланади. Ернинг аҳамиятлигига мутаносиб равишда давлат ўзининг ер ресурсларини

бошқариш ва фойдаланиш тизимини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Ернинг жуда кўп ижтимоий-ишлаб чиқариш функцияларининг мавжудлиги ҳуқуқий, сиёсий, молиявий, ижтимоий-иқтисодий, табиатни муҳофаза қилиш, технологик ва бошқа жиҳатларини қамраб оладиган бошқариш ҳаракатларининг ҳам мос равишда кўп хиллилигини тақозо этади.

Шу билан бирга, суғориладиган ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий меҳа-низминини ишлаб чиқиш ва унинг амал қилишини кузатиш ҳар доим жаҳон амалиётида мунозарали бўлиб келган. Чунки мазкур механизм ҳамisha ҳам давр талаблари даражасида қайта кўриб чиқилавермайди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги учун доимий равишда суғориладиган ерлардан фойдаланишда имтиёзлар ва тез самара бериши мумкин бўлган рағбатлантирувчи механизм элементларини жорий қилишга кўп эътибор берилган. Аксарият ҳолларда бундай чоралар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларига кирса, айрим ҳолатларда эса, мамлакатнинг мавқеини мустаҳкамлаш вазифаларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилади.

Сўнги ўн йиллик давомида, **Хитой** ҳар қандай бошқа мамлакатга агросаноат мажмуасида хурмо етиштиришда ён бермади. Лекин сўнги йилларда, Америка Қўшма Штатлари жами қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда Хитойни ортда қолди. Мамлакат донни асосий ишлаб чиқарувчи ҳисобланади, буғдой, шу жумладан ва маккажўхори етиштиришда ҳам етакчи. Дунё маккажўхори ҳосилининг 40 %и, қанд лавлаги ва пахта ҳам Қўшма Штатлардаги суғориладиган ерлар ҳудудида катта миқдорда ишлаб чиқарилади.

Трансчегаравий дарёлардаги сув ҳажмига боғлиқликни бартараф етиш ва суғориладиган ерларнинг янги майдонларини муомалага чиқариш мақсадида **Қозоғистон** 9 та ҳудудда 39 та янги сув омборлари қуришни режалаштирмоқда, деб хабар беради Нан дунёси Қозоғистон Республикаси экология вазирлиги матбуот хизмати.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг муҳим қисми бўлиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга салмоқли ҳисса кўшмоқда. Қишлоқ



хўжалигининг динамик ривожланиши еса кўп жиҳатдан тупроқнинг ҳолати ва унумдорлигига боғлиқ. Соҳа мутахассислари хабар беришича сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерлари тобора таназзулга юз тутмоқда. Бу эса, ўз навбатида, барқарор равишда ҳосилдорликнинг йўқолишига, ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади. Нан портали дунёга эксклюзив интервьюсида Озарбайжон, Қозоғистон ва Ўзбекистон суғориладиган қишлоқ хўжалиги юқори ҳосил олиш учун инновацион усуллари мамлакат қишлоқ хўжалигида жорий қилиниши кераклиги айтиб ўтган.

Бундан ташқари суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни экологик ҳолатини муҳофаза қилишни таъминловчи, давлат ер кадастрини юритувчи ва ер ресурсларини самарали бошқариш тизимининг бошқа йўналишларини камраб оладиган ердан фойдаланишни ҳудудий ташкил қилиш ишлари муҳим ўрин тутмоғи лозим. Ҳозирги кунда суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, шунингдек ерлардан фойдаланиш ва ҳолатини кузатишни ҳуқуқий, иқтисодий ва экологик асослашни ўз ичига оладиган комплекс ер тузиш ишлари амалга оширилмаяпти. Мазкур ишларни молиялаштириш ва ташкил этишдаги камчиликлар суғориладиган ерлардан фойдаланиш барқарорлигининг шаклланиши ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, суғориладиган ерларнинг ҳолатига негатив жараёнларнинг олдини олиш учун шарт-шароитлар яратишдек стратегик вазифани бажаришдаги мураккабликларга ечим сифатида мукамал механизм ишлаб чиқилиши лозим.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги муаммолардан келиб чиқиб қатор ривожланган давлатларнинг тажрибларини таҳлил қилиб, Республикамиз ҳудудидаги суғориладиган ерларнинг экологик ҳолатини тиклаш ва улардан юқори ҳосил олиш, яроқсиз ҳолатга келиб қолган суғорма ерларни қайта оборотга киритиш йўллариининг иқтисодий механизмини яратилиши кечиктириб бўлмайдиган муаммо сифатида қарамоғимиз муҳим.

Жаҳон тарибаси асосида Республикамиз худудида мавжуд суғориладиган ерларнинг экологик ҳолатини яхшилаш, улардан самарали фойдаланиб юқори ҳосил олиш, оборотдан чиқган ерларни қайта тиклаш ишларининг иқтисодий механизмини такомиллаштиришда қуйидаги усулларни хулоса ўрнида келтирамиз:

- Суғориладиган ерларнинг экологик ҳолатининг категорияларини оммавий баҳолашнинг услубиётини ишлаб чиқиш;
- Экологик таъсир меъёрларининг ошиб кетиши натижасида уларнинг чўлланиши, эрозияси, унумдор қатламининг бузилиши, шўрланиши, ботқоқланиши ва сув босиши, техноген ифлосланиши ва яйловларнинг деградациялашувининг мониторингини амалга ошириш;
- Суғориладиган ер ресурсларидан самарали фойдаланишни худудларда тўғри ва комплекс ташкил этиш;
- Суғориладиган ерларда бино-иншоат қурилиши ёки ўз бошимчалик билан ўзлаштирилишини давлат томонидан тақиқлаш ва қатъий назоратга олиш;
- Суғориладиган ерлардан олинган фойданинг маълум бир қисмини экологик ҳолатини яхшилаш мақсадида ўзига қайта сарф қилиш.

Ўзбекистонда суғорма ерлар барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қиймат жиҳатидан 95% ини етказиб беради. Дарвоқе, суғорма ерлар олтин фонд, уларни эъзозлаш керак, ҳар гектар ердан самарали фойдаланган ҳолда экинлар ҳосилдорлигини муттасил ошириб борувчи механизмни қуллаш айни муддаодир.

#### Адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисоботи. “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, 2017 йил.
3. Алтиев А.С. Фермерлик – ер ресурсларидан фойдаланишнинг самарали шакли // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» аграр-иқтисодий. - илмий-оммабоп журнали. -Т.: 2007. - № 4. – 20 б.
4. Алтиев А.С. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини эркинлаштиришнинг иқтисодий механизми. Монография. -Т.:“Фан”, 2009. – 224 б.
5. Салимов Б.Т., Юсупов М.С. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. – Т.: ТДИУ, 2009. - 300 б
6. Ходиев Б., Шодмонов Ш.Ш. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик.- Т.: “Баркамол фойз медиа”, 2017. - 783 бет.
7. Шодмонов Ш.Ш., Гофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик.- Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2010. - 728 бет.
8. Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: «Молия», 2010.- 480 бет.
9. И.К.Станковская, И.А.Стрелец. экономическая теория. Учебник. 3-е изд., испр. - М.: «Эксмо», 2012.-448 стр.
10. Самуелсон Пол э., Нордхаус Виллям Д. экономика. Учебник. 18-е изд.: Пер с англ. - М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2009. - 1360 стр.
11. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. экономикс: принцип, проблем и политика. Учебник. 17-изд. - М.: ИНФРА-М, 2011. - 916 стр.

[www.lex.uz](http://www.lex.uz).

[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

[www.economist.com](http://www.economist.com)

[www.worlddeconomics.com](http://www.worlddeconomics.com)